

ШАРТНОМА № 57К

МАҲСУЛОТНИ СОТИШ ВА ХАРИД ҚИЛИШ

Наманган шаҳар

«2» *феврал* 2022 йил

Бизлар ким имзо чекувчилар, бир томондан *Низом* асосида фаолият кўрсатувчи, «G'ayrat-Farm-Star-Servis» масъулияти чекланган жамияти (келгусида «Маҳсулот етказиб берувчи» деб номланади) номидан **раҳбар А.А.Нурматов** ва иккинчи томондан *Низом* асосида фаолият кўрсатувчи **Косонсой туман тиббиёт бирлашмаси** келгусида «**Буюртмачи**» деб номланади) номидан раҳбар **Ш.Х.Рақиев** билан туздик ушбу шартномани шу хақида:

1. Шартнома мазмуни.

1.1. «Маҳсулот етказиб берувчи» маҳсулотни ушбу шартнома шартлари бўйича етказиб беришга, «Буюртмачи» эса уни қабул қилиб олишга мажбур.

1.2. Маҳсулот асортименти ва баҳоси (спецификацияси)

№	Маҳсулот (иш, хизматлар) номи	Ўлчов бирлиги	Мик дори	Етказиб бериш		НДС	Жами сумма
				нархи	Суммаси		
318	Реактив солев. агареман	маб	2	815000	1630000		1630000
318	Реактив агар моллер 9 кт/об	маб	2	816000	1632000		1632000
318	Реактив Вее. мут. сульфид	маб	2	800000	1600000		1600000
318	Реактив колестерин	маб	3	369000	1107000		1107000
	<i>Шалее</i>						5969000

1.3. Шартноманинг умумий суммаси 5969000 сўмни ташкил этади.

2. Баҳо ва тўлов тартиби.

2.1. Маҳсулот учун тўлов пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.
2.2. «Буюртмачи» шартнома умумий суммасининг 30% и аванс тариқасида шартнома тўлиқ кучга кирган кундан бошлаб 30 банк иш куни мобайнида, қолган 70% қисми «Маҳсулот етказиб берувчи» маҳсулотни етказиб берган кундан бошлаб 90 банк иш куни давомида «Маҳсулот етказиб берувчи» нинг банк ҳисоб рақамига пул ўтказиб бериши шарт.

3. Маҳсулот етказиб бериш муддати ва тартиби.

3.1. «Маҳсулот етказиб берувчи» маҳсулотни ҳисоб рақамига аванс маблағи келиб тушган кундан 5 банк иш кунида етказиб беради.
3.2. Маҳсулот «G'ayrat-Farm-Star-Servis» М.Ч.Ж. транспортида ташилади.
3.3. Маҳсулот ҳисоб-варақ фактурага имзо қўйиб олган вақтдан бошлаб «Буюртмачи» мулкига айланади.

4. Маҳсулот топшириш ва қабул қилиш.

4.1. «Буюртмачи»нинг ваколатли шахси қабул қилиб олиш жараёнида маҳсулотнинг ишга яроқлилигини, сифатини, миқдори жиҳатидан шартномага мос келишини текшириб олиши лозим. Маҳсулот тўлиқ қабул қилиб олингандан сўнг маҳсулотни сақлаш жавобгарлиги «Буюртмачи»нинг ваколатли шахси зиммасига тўлалигича ўтади.

5. Маҳсулот сифати.

5.1. Маҳсулот сифати Ўзбекистон Республикаси Давлат стандарти талабларига жавоб бериши шарт.
5.2. Маҳсулот транспортда ташиб кетилиши учун қулай қилиб жиҳозланиши лозим.

6. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

6.1. «Буюртмачи» шартноманинг 2.2-бандида кўрсатилган тўловни белгиланган муддатдан кечиктириб юборган ҳолда ҳар бир кечиктирилган кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4% и миқдорида пеня тўлайди. Лекин тўланган пенянинг умумий миқдори кечиктирилган маҳсулот қийматининг 50% дан ортиб кетмаслиги лозим.
6.2. «Маҳсулот етказиб берувчи» маҳсулотни шартноманинг 3.1-бандида кўрсатилган муддатда етказиб бермаган кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган маҳсулот қийматининг 0,5% и миқдорида пеня тўлайди. Лекин тўланган пенянинг умумий миқдори кечиктирилган маҳсулот қийматининг 50% и дан ортиб кетмаслиги лозим.

7. Низоларни ҳал этиш тартиби.

- 7.1. Низоли вазиятлар томонларнинг ўзаро келишуви асосида ҳал этилади.
7.2. Низоли вазиятлар томонларнинг ўзаро келишуви асосида ҳал этилмаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий суди орқали ҳал этилади.

8. Шартноманинг амал қилиш муддати.

8.1. Шартнома газна рўйхатидан ўтказилгандан сўнг (Бюджетдан маблағ олувчилар учун 2016 йил 22 декабрда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2850-сон билан рўйхатга олинган Давлат бюджетининг газна ижроси коидаларига асосан) амал қилиш муддати «31» декабрь 2022 йилгача ҳақиқий деб ҳисобланади.

9. Форс - Мажор.

9.1. Агарда ушбу шартнома шартларини бажаришга ҳалал берувчи енгиб бўлмас кучлар – уруш эълон қилиниши, зил-зила ва сув тошқини, ёнгин ва бошқа табиий офатлар ёки Ўзбекистон Республикаси томонидан чиқарилган алоҳида қарор ва фармойишлар юзага келса, у ҳолда томонлар ушбу енгиб бўлмас кучлар таъсири вақтида шартномавий жавобгарликдан озод этиладилар.

10. Қўшимча шартлар.

- 10.1. Шартнома бир хил юридик кучга эга 2 (икки) нусхада тузилади ҳамда томонларнинг ҳар бирида 1 (бир) нусхадан сақланади ва тегишли газначилик бўлинимасига 1 (бир) нусха тақдим этилади. Агар томонлардан бири ўзига тегишли нусхани йўқотган тақдирда қолган нусхани ксеронусхаси ҳақиқий деб ҳисобланади.
10.2. Шартнома икки томонлама тўлиқ тасдиқланиб, Газначилик бўлинимасидан рўйхатдан ўтказилгандан сўнг тўлиқ юридик кучга эга деб ҳисобланади.
10.3. Томонларнинг юридик манзиллари ёки банк реквизитлари ўзгарган тақдирда 3 банк иш куни давомида бир-бирларини огоҳлантиришлари шарт.
10.4. Томонлардан бири иккинчисининг ёзма равишда тасдиқланган розилик хатисиз шартнома бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларини учинчи шахс зиммасига ўтказа олмайди.
10.5. Шартномага ҳар қандай қўшимча ва ўзгартиришлар ёзма равишда икки томонлама тўлиқ тасдиқланганидан сўнг ҳақиқий ҳисобланади.

11. Томонларнинг юридик манзиллари ва банк реквизитлари.

«Маҳсулот етказиб берувчи»

«G'ayrat-Farm-Star-Servis»

масъулияти чекланган жамияти

Манзил: Наманган вилоят Уйчи туман
Гайрат ҚФЙ Нариманов кўча 1-уй
Ҳисоб рақам: 20208000204802433001
АТИБ Ипотекабанк Наманган филиали
МФО: 00223 ИНН: 301298926
Код ОКОНХ: 19 310

Раҳбар:  А.А.Нурматов
М. ў.

Юрист


«Буюртмачи»

Косонсой туман тиббиёт бирлашмаси.

Манзил: Тосиқов ул. Ғулобдор к/т/У
Ш/хр: 10002860142017072110054002
ИНН: 200075811
ОКОНХ: 91511 МФО: 00014
Газначилик бўлинимаси ЎР МБ газначилиги
Газна х/в: 2340200030010001010

Банк номи: Х.К.К.М.Б марказий банк Газна
Газна ИНН: 201122919

Раҳбар:  М.В.Павлов





**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA
MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA**

SE 71821103

1. Loyi haning turi - shartnoma.
2. Loyi haning nomi – «Gayrat –Farm-Star-Servis » MCHJ va Kosonsoy tuman tibbiyot birlashmasi o'rtasida reaktiv mahsulotlar yetkazib berish shartnomasi shartnomasi.
3. Loyiha ishlab chiquvchisi – Kosonsoy tuman tibbiyot birlashmasi.
4. Loyiha "E-huquqshunos" elektron tizimiga kiritilgan sana – 03.02.2022 y.
5. Loyiha imzolangan sana – 03.02.2022 y.
6. Xujjat raqami - SE 71821103
7. Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni, qabul qilish maqsadga muvofiq.

Markaz bosh yuriskonsulti



M.O.Yoqubjonov

